

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ,
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

152 (1672)

2 август, 1960 йил, сешанба

Баҳоси 20 тийин.

Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг IV пленуми

Кеча Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг IV пленуми бўлиб ўтди. Пленум Бекбод район партия комитети (докладчи район партия комитетининг секретари И. К. Хуснутдинов, кўшимча докладчи область партия комитети бюросининг аъзоси Б. Г. Мирзабеков), Гулистон район партия комитети (докладчи район партия комитетининг секретари Қ. Укубоев, кўшимча докладчи область партия комитетининг секретари Э. Т. Шайхон); Искендер район партия комитети (докладчи район партия комитетининг секретари И. Юнусов, кўшимча докладчи область партия комитетининг аъзоси С. Салимхонмуродов) ва Янгийер шаҳар партия комитети (докладчи шаҳар партия комитетининг секретари А. А. Сардаров, кўшимча докладчи область ижроия комитетининг раиси Х. Ж. Жаидовнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети III пленумининг қарори қандай бажарилаётгани ҳақидаги докладларини, шунингдек область партия комитетининг секретари Х. Р. Мухомедовнинг «Хотин-қизлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни яхшилаш тўғрисида»ги докладини эшитди ва муҳокама қилди.

Пленумда область партия комитетининг биринчи секретари Р. Г. Гуломов нутқ сўзлади.

Пленум область партия комитети II ва III пленумлари қатнашчиларининг таклифлари ва танқидий мулоҳазалари қандай бажарилаётгани ҳақида область партия комитети бюросининг маълумотини ҳам тинглади. Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Ф. Е. Титов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси О. А. Алимов ўртоқлар иштирок этдилар.

Пленум муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

(Область партия комитетининг пленуми ҳақидаги батафсил ҳисобот газетамизнинг келгуси сонда босилади).

СОВЕТ ЎҚИТУВЧИСИ

Ўқитувчи! Бу сўзин чуқур ҳис-ҳаяжон ва иззат-ҳурмат билан тилга олмайдиган киши борми! Бу номи эслаганимиз ва тилга олганимизда мактаб остонасига энгилгани қадам қўйган дамларнинг, алифбени ўрганишга қирқинган дастлабки кунларнинг кўз олдинига келади, сен учун қадрдон бир кишининг нуруний қиёфаси намоян бўлади.

Хотин-қизларни жамоат ишларига актив жалб қилайлик

Ушбу Ленин хотин-қизларни давлат, жамоат ишига, социалистик ишлаб чиқаришга актив жалб этиш партия ташкилотларининг жуда муҳим вазифаси эканлигини уқтирган эди. Коммунистик партия доҳийнинг бу кўрсатмаларини шараф билан бажариб, хотин-қизлар тўғрисида ҳам-хўрликни ҳар тарафлама кучайтирмоқда. Бунинг асосий мисолида ақлоқ кўриш мумкин. Район экономикаси ва маданиятининг бирор соҳаси йўқки, унда хотин-қизларимиз эркаклар билан ёнма-ён туриб ишламаётган, етти йиллик топириқларини мўддатидан илгари бажариш учун курашга муносиб ҳисса қўшмаётган бўлсин.

ҚИСС Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида»ги қароридан кейин район партия ташкилотини хотин-қизлар билан ишлашнинг бирмунча аҳисилли, улар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишлар анча кучайтирилди. Райком бюросида, партия ташкилотларининг йиғилишларида хотин-қизлар билан ишлашга доир масалалар тез-тез муҳокама қилинадиган бўлиб қолди. Шунинг асосида хотин-қизларнинг жамоат ишларига жалб этиш ва улар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларини олиб боришда асосий эътибор хотин-қизларнинг ҳаётий талаблари ва қизиқишларини оширишга, айниқса уй-рўзгор ишларидаги аёлларни актив иштирокчи-сиёсий ҳаётга тортиш, шунингдек диний ҳуруфотларига қарши курашга қаратилди. Партия ташкилотлари хотин-қизларнинг профессионал фаолияти ва машғулот турларини ҳисобга олганда ҳолда, улар учун лекциялар, суҳбатлар, тематик кечалар ўтказмоқдалар, маданий-маиший хизмат кўрсатишни тобора яхшиламоқдалар.

Бу тадбирлар шубҳасиз ўзининг яхши натижаларини бермоқда. Хотин-қизларимизнинг оилага, бола тарбиясига эътибори кучайди, жамоат ишларига, ўқув касбларини аталашга бўлган қизиқишлари ортади. Жуда кўп хотин-қизларимиз саноат корхоналарида ишлашга келди. Улар куч ва қобилиятини тўла ҳисобга олган ҳолда ишга жойлаштирилди. Авваллари уй-рўзгор ишлари билан шугулланиб келган 20 мингга яқин хотин-қиз эндиликда жамоат ишларига актив қатнашиб, фидокорона меҳнат қилиш намуналарини кўрсатмоқдалар. Шуниси қувончлики, 108 хотин-қиз бошчилик қилаётган ишлаб чиқариш бригадалари коммунистик меҳнат бригадаси номини олиш учун курашаётир. Ҳозир булардан 16 тасига ана шундай юксак ном берилди. 2-пояфазда фабрикасининг Мишенко, Эшонқулова, 1-босмаҳонасининг Собирова, чиниловчи заводнинг Тичина ўртоқлар бошчилик қилаётган



ҲАР ТУП ҒУЗАНИ СЕРҲОСИЛ ҚИЛИБ ЎСТИРИШГА ЭРИШАЙЛИК!

Бекобод районидagi Дзержинский номи колхозининг аъзолари Одинах Сотиболдиева ва Назира Усмонова ўртоқлар Турсунои издан бориб, механик-ҳайдовчи бўлишга аҳд қилдилар. Ҳозир улар Бекобод районидagi қишлоқ хўжалиги билим юртида таълим олмақдалар. Машина ҳайдаш ва уни ремонт қилиш йўларини ўрганмақдалар. Уларнинг ҳар бири бу йилги мавсумда 100 тоннадан пахта теришга сўз бердилар. Суратда: (чапдан) Ю. Сотиболдиева ва Н. Усмонова ўртоқлар амалий машғулот ўтказмақдалар.

Р. Шамсуддинов фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

Ҳосилга-ҳосил қўшилмоқда

Қардош Тожикистон ССР, Ӣзбайжон ССР, шунингдек Фарғона область пахтакорларининг ўзaro текшириш бригадаси Сирдарё районидagi Свердлов номи колхозда бўлганлариди колхозчиларнинг ишлари билан танишиб, ғўза парварчилигини кучайтириш, мажбуриятчи қоплайдиган миқдорда мўл ҳосил етиштириш ҳақида қимматли маслаҳатлар берган эдилар.

Колхоз аъзолари мусобақадошларнинг ана шу маслаҳатига амал қилиб, ғўза парварчилигини ҳар тарафлама кучайтирдилар. Ғўзалар қондириб сугорилиб, тобида чуқур култивация ўтказилди. Ғўзага шарват оқизани ҳосилга-ҳосил қўшилиб, колхозчилар ана шу мақсадда авжи пастроқ ғўзаларни яхши ғўзалар даражасига етказиб олиш учун қўшимча озиқлантиришди.

Колхоз правлениеси бу йил кўпроқ майдондаги ҳосилни машина билан теришни плаваштирган. Бунинг учун 600 гектар ер ажратилди. Ҳосил машина билан терилдиган устаклардаги ғўзалар серҳосил бўлиши учун барча агротехника тадбирлари амалга оширилмоқда. Ғўзалар бегона ўтдан тозаланиб, чеканкага алоҳида эътибор берилаётган. Ҳашаротларга қарши, кураш кучайтирилди. Зарарчаклар бағамом йўқ қилинди. Ғўзаларни узунаси ва кўндалангига култивация қилиш аввалгидан ҳам кучайтириб берилади, вақтида сифатли парварши қилингани туфайли ҳосилга-ҳосил қўшилиб, айрим ғўзаларда 6—7 тадан бўлиқ кўсак бор.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг «Августда ҳосил тўплаш юзасидан республика партия ташкилотининг вазифалари ҳақида» деб чиқарган қарори колхоз аъзоларининг янада ажиҳорат ишлашга ундади. Барча колхозчилар бу йил давлатта 2500 тонна пахта етказиб бериш юзасидан олган мажбуриятчи шараф бил

